

## СТРАТЕГИК БОШҚАРУВДА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Йўлдошалиев Шахзодбек Фарход ўғли**  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
ORCID: 0009-0004-3617-0746  
[shahzodbekyoldoshaliyev@gmail.com](mailto:shahzodbekyoldoshaliyev@gmail.com)

**Аннотация.** Мазкур мақолада бозор иқтисодиёт шароитида унинг ўзгарувчанилигига мослашишни таъминлашга қаратилган стратегик бошқарув технологияларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

**Ключит сўзлар:** бозор иқтисодиёти, бошқариш, стратегик бошқариш, бошқариш дастаги, бошқариш технологияси.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ЕЕ ВНЕДРЕНИЯ В СТРАТЕГИЧЕСКОМ УПРАВЛЕНИИ

**Йўлдошалиев Шахзодбек Фарход углы**  
Ташкентский институт текстильной  
и легкой промышленности

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования технологий стратегического управления, направленные на обеспечение адаптации к его изменчивости в условиях рыночной экономики.

**Ключевые слова:** рыночная экономика, менеджмент, стратегический менеджмент, рычаг управления, технология управления.

## IMPROVING THE TECHNOLOGY OF ITS IMPLEMENTATION IN STRATEGIC MANAGEMENT

**Yoldoshaliev Shahzodbek Farkhod ugli**  
Tashkent Institute of Textile and Light Industry

**Annotation.** This article examines the issues of improving strategic management technologies aimed at ensuring adaptation to its variability in the conditions of the market economy.

**Keywords:** market economy, management, strategic management, management lever, management technology.

### **Кириш.**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар шароитида тўқимачилик корхоналарининг бозор иқтисодиёти ўзгаришларига мосланувчанликка қаратилган стратегик бошқарув технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш» (Фармон, 2022) вазифаси белгиланган. Бу каби устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этилиши республикамиз тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқарув технологияларини такомиллаштиришни тақозо этади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Бошқарув назарияси ва амалиётида стратегия ва стратегик бошқарув масалалари кенг миқёсда ўрганилган. Хусусан, Клейнер (2008)нинг таърифига кўра, «стратегик бошқарув - бу бизнес муваффақиятига эришиш учун компания стратегиясини шакллантириш, амалга ошириш ва ўзгартириш жараёнларига асосланган корхонани бошқариш бўйича қарашлар ва тавсиялар тизимиdir».

Хоффер ва Шенделлар (1978)нинг фикрича эса, «стратегия - бу корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва вазифалари ўртасидаги асосий алоқадир».

И.Ансофф (2006) ўзининг “Корпоратив стратегия” китобида стратегик бошқарувни “билиш усули, унинг бошланиши стратегик ташхис, давоми-қўшимча чора-тадбирлар йўли ва авж нуқтаси - янги маҳсулотлар, янги бозорлар ва технологиялар, шунингдек, янги имкониятлар” (Миддлтон, 2006) сифатида талқин қиласди.

Родионова (2013) стратегик бошқарувни “стратегик қарорларни ишлаб чиқиши, қабул қилиши ва амалга ошириш жараёни, унинг марказий бўғини корхонанинг ўз ресурс салоҳиятини ташки муҳитнинг имкониятлари ва таҳдидлари билан таққослашга асосланган стратегик танловдир”, - деб тушунади .

Исаев (2021) томонидан эса тўқимачилик саноати корхоналарида интеграциялашган сифат менежменти ва стратегик бошқариш тизимининг концептуал асослари ўрганилган. Аммо, ушбу манбаларда тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик бошқарув технологияси масаласи етарлича ўрганилмаган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида статистик, танлаб кузатиш, таққослаш каби усуллардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Бугунги кунда тўқимачилик саноатининг ҳам ички, ҳам ташки бозорида рақобатнинг кескинлашуви узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиши ҳамда уни муваффақиятли амалга оширишда самарали замонавий стратегик бошқарув усул ва технологияларидан фойдаланишини талаб этади. Зероки, ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали сифатли маҳсулот турларини ишлаб чиқариш орқали истеъмолчилар талабини юқори даражада қондиришни таъминлаш ҳар бир саноат корхонасининг рақобатда устунлигини таъминлаши асосида ҳаётий яшовчанлик даврини узайтиришга имконият яратади. Шу боисдан, замонавий иқтисодий шароитда корхонани бошқариш раҳбарлардан стратегик менежмент соҳасида янги усул ва кўнікмаларни эгаллашни ҳамда ривожланиш стратегиясини бошқариш соҳасида замонавий восита ҳамда дастаклардан фойдаланишини, бошқарув технологиясини такомиллаштиришини талаб этади.

Умуман, технология – бу маълум фаолият ҳамда жараённи амалга оширишда ресурслар, воситалар, дастаклар, усулларнинг мақсадли натижага эришишдаги муқобил

тақсимотидир. Шунинг учун, бошқариш технологияси - бу ҳозирги даврда ва стратегик истиқболда корхонанинг олдига қўйған мақсадига эришишда бошқариш жараёнини ташкил этишдаги зарурӣ ресурсларнинг муқобил тақсимланишидир. Шундан келиб чиқиб, тўқимачилик корхоналарини стратегик бошқариш технологиясининг ўзига хос жиҳатлари ресурслар таъминоти ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳолати билан изоҳланади.

Ҳозирда фаолиятни бошқарув технологиялари қўйидаги тўртта катта гуруҳга ажратилади:

1. *Анъанавий технологиялар*. Улар қисман касбий мероснинг натижаси бўлиб, қисман қонунда мустаҳкамланган. Анъанавий технологиянинг энг ёрқин намуналаридан бири молиявий натижаларни ҳисобга олиш тизимиdir. Деярли барча республикамиз корхоналари фаолиятини бошқариш жааёнида қўлланилади.

2. *Тармоқ технологиялари*. Улар ихтисослашган саноат хизматлари ва органлари фаолиятида қўлланилади. Саноатга хос бошқарув технологияларидан фойдаланилганда самарадорлик масалаларига доир соҳа фаолиятини маҳсус технологик қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқилади.

3. *Профессионал*. Ушбу гуруҳ бошқарув технологиялари консалтинг хизмат кўрсатувчи агентликлар томонидан корхонанинг маҳсус буюртмаси асосида яратилади. Уларнинг афзаллиги - муайян корхонанинг ўзига хос хусусиятларини ва технологияни яратадиган муайян даврни ҳисобга олиш қобилиятидир. Камчиликлари - юқори харажат ва кўп қирраликнинг йўқлиги: уларни қўллаш доираси жуда тор.

4. *Инновацион*. Улар корхонанинг бошқарув хизмати томонидан бошқарувдаги замонавий инновацион технологияларни қўллаш асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун яратилади. Корхонада бундай технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун мутахассисларнинг энг юқори малакаси талаб қилинади.

Тўқимачилик корхонасида стратегик бошқарув жараёни қўйидаги ўзаро боғлиқ бешта босқичдан иборат бўлиб, мантиқан бир-бирига боғлиқдир: стратегик таҳлил, миссия ва мақсадларни танлаш, стратегияни белгилаш, уни амалга ошириш ва стратегик назорат. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда стратегик бошқарув корхоналар фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг энг самарали усусларидан бири саналсада, стратегик бошқарувнинг мақсадга мувофиқлиги ва имкониятлари ҳам чеклангандир ва бошқарувнинг бу тури ҳар қандай вазифа ва амалий вазиятлар учун универсал эмас.

Бизнинг фикримизча, стратегик бошқарув тизимида стратегия ва тегишли бизнес дастурини ишлаб чиқиш ҳамда стратегик мақсадларга изчил эришиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга ошириш энг қийин жараён ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида стратегик бошқарув объектлари сифатида тўқимачилик корхоналарининг фаолияти (жорий ва келажакда) қўйидаги учта соҳада кўриб чиқилади:

1) услубий (стратегик бошқарув соҳасидаги механизмлар ва воситалар ҳақида янги билимларни шакллантириш, замонавий дастакларни танлаш);

2) ташкилий (стратегияни ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва назорат қилишни ташкил этиш);

3) ижтимоий-иқтисодий (миссиянинг таърифи, стратегик натижаларга эришиш учун ресурслар, корхона ва минтақанинг ривожланиш мақсадлари ўртасидаги муносабатлар ва бошқалар).

Фикримизча, ҳозирги вақтда тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рақобатбардошлиги ошишини таъминлашга йўналтирилган истиқболда ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосланган ҳамда амалиётда қўлланилган замонавий дастакларини ўз ичига оладиган стратегик бошқарув комплекс тизими зарур.

Биз томондан ишлаб чиқилган тўқимачилик саноати корхоналарини стратегик бошқариш самарадорлигини ошириш концептуал модели ушбу корхоналарни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш восита ва дастакларини замонавийлаштириш зарурлигини назарда тутувчи стратегик устуворликлар тизимини ўз ичига олади (1-расм).



**1-расм. Тўқимачилик саноати корхоналарини стратегик бошқариш самарадорлигини ошириш концептуал модели**

**Манба:** муаллиф ишланмаси.

Самарали бошқарув механизми компания раҳбарларидан муайян воситани қўллаш мақсадларини аниқлашни талаб қиласди. Ушбу босқич жуда муҳимдир, чунки у муайян восита ёки уларнинг комбинацияси самарадорлигини баҳолаш учун ишлатилади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик бошқарув самарадорлигини ошириш учун қўйидаги таклифларни берамиз:

- тўқимачилик корхоналари бошқарув таркибий тузилмасини бозор ўзгаришларига мосланувчан тарзда шакллантириш зарур;
- тўқимачилик корхоналарида узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш лозим;
- тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга муваффақиятли жорий этиш.

### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Hoffer C.W. and Shendel D. (1978) *Strategy Formulation: Analytical Concepts*. St. Paul, MN: West Publishing Company.

Исаев Р.А. Тўқимачилик саноати корхоналарида интеграциялашган сифат менежменти ва стратегик бошқариш тизимининг концептуал асослари // Бизнес-эксперт. – Тошкент. №3. – 2021. – 7-9 б.

Клейнер, Г.Б. (2008) Стратегия предприятия [Текст] / Г. Б. Клейнер. – М.: Дело, – 567 с.

Миддлтон Д. (2006) Библиотека избранных трудов о стратегии бизнеса: пятьдесят наиболее влиятельных идей всех времен [Текст]: [пер. с англ.] / Д. Миддлтон. – М.: Олимп – Бизнес, – 258 с.

Родионова В.Н. (2013) Стратегический менеджмент [Текст]: учеб. пособие / В. Н. Родионова. – 2- е изд., испр. и перераб. – М.: РИОР: ИНФРА, 2013. – 78 с.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси түфрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).